

ШЕРОБОДНИНГ ШИЖОАТЛИ, ШОН-ШАРАФЛИ, ШУХРАТЛИ ШЕР ОЛИМИ

ПОЁН БАКИРОВ

*филология фанлари доктори,
профессор, Халқаро педагогик
таълим ФА мухбир аъзоси,
Турон ФА академиги*



Термиз давлат университети тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор, Турон ФА академиги **Сайпулла Нарзуллаевич Турсуновнинг** ҳаёт йўли – илмга садоқат, таълим-тарбияга масъулият ва юрт маънавий равнақига фидойилик билан уйғунлашган ибратли йўлдир.

У кишини камолотга олиб келган энг кучли қувват манбаи эса – оила бағрида шаклланган маънавий таянчлар: ота-она дуоси, рафиқа ҳиммати, фарзандлар ва неваралар меҳри, шунингдек шогирдлар камолотида давом этаётган устозлик руҳидир.

Халқимизда “**Илм – нур, оила – суянч**” деган маънони англаувчи иборалар кўп. Зеро, инсоннинг катта ютуқлари кўпинча хонадондаги оддий, аммо муқаддас қадриятлардан – **ҳалоллик, ҳурмат, вафо** ва **меҳрдан** бошланади. Шу сабаб, ушбу мақолада устознинг фаолиятини санаб ўтишдан кўра, унинг инсон сифатидаги камолотини шакллантирган оилавий-маънавий заминга асосий эътибор қаратдик.

Сайпулла Нарзуллаевич 1956 йил 10 май кuni қадимий Шерободнинг “Боботепа” қишлоғида таваллуд топган. 1977 йил М.Т.Ойбек номли педагогика институти тарих ва жамиятшунослик йўналишини имтиёзли тамомлаб, Шеробод туманидаги 28-сон мактабда ўқитувчи сифатида фаолиятини бошлаган. 1978 йилдан бошлаб Термиз давлат педагогика институти (кейинчалик Термиз давлат университети) ҳаёти билан узвий боғланиб, 1996–2002

йилларда раҳбарлик лавозимларида, кейинчалик “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири сифатида илм-фан ва таълим равнақи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Шеробод – мардлик ва меҳнат руҳи кучли бўлган она-замин. “Шерободнинг шер йигити” деган ибора бекор айтилмайди: устознинг қатъияти, сўзи устидан чиқиши, талабчанлиги ва одамга меҳри айнан шу заминга хос фазилатлар билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбек тилида “инсон» ва «ҳазрати инсон» сўз ва жумласи фарқланади. Ҳамма одамлар инсонлардир. Лекин ҳамма инсонлар ҳазрати инсонлар бўла олмайди.

Сайфулла ака ҳазрати инсон, чунки у одоб, ахлоқ, билим ва донишмандликда намуна бўла оладиган, сўзи ва амали бир бўлган, ҳамма учун ибратли шахс. У фақат моддий бойликка эмас, балки маънавий бойликка, инсонийликка интиладиган, руҳий дунёси бой, қалби тоза ва пок инсондир. У халқ ичида катта ҳурмат ва эътиборга эга. Унинг ҳар бир сўзи ва маслаҳати қадрланади. Одамлар унга эҳтиром билан қарайдилар ва унинг ҳикматларига кулоқ соладилар. У ўз нафсингизни енгган, шахсий манфаатлардан кўра Ватан, жамият манфаатларини устун қўядиган, ғаразсиз ва самимий инсондир. Санаб ўтилган хислатларнинг барчаси уни “ҳазрати инсон” деб номлашга асос бўлади.

Ҳар бир инсон ўз ҳаётида бир неча муҳим даврлардан ўтади, лекин 70 ёшлик юбилей, бу албатта, инсоннинг умри, курашлари ва етуқлигининг рамзи бўлади. Бу йўлда

Сайпулла ака ўзингизнинг билимлари, тажрибалари ва олийжаноб хулқи билан кўпларни илҳомлантирди.

Биз томонимиздан келтирилган энг ижобий ҳаётий характеристикага эга бўлиш учун Сайпулла аканинг атрофида ундан ҳам ортиқроқ олийжаноб ҳазрати инсонлар бўлганлигини ва борлигини таъкидлашим лозим.

Булар отаси Нарзулла бобо, онаси Норбиби ая ҳамда умр йўлдошларингиз Салимахон опалардир.

Профессор Сайпулла Нарзуллаевичнинг камолоти аввало отаси – **Нарзулла ота** ва онаси – **Норбиби онанинг** тарбия мактабига таянади. **Нарзулла ота** ҳалол ризқни муқаддас деб билган, “сўзнинг қиймати – амал билан” деган мезонни фарзанди қалбига сингдирган. **Норбиби она** эса меҳр ва дуони тарбияга уйғунлаб, илмга ҳурмат, одобга садоқат, инсон кадрини билиш туйғуларини ўстирган.

Ота – уйнинг устуни, она – уйнинг нури. Ҳар иккиси бўлмаса, хонадон ҳам, инсон қалби ҳам тўлиқ мустаҳкам бўлмайди. Отадан фарзандга ўтадиган энг катта мерос – **қатъият** ва **ҳалоллик**; онадан ўтадиган энг катта мерос эса **меҳр** ва **дуодир**. **Норбиби онанинг** дуоси, **Нарзулла отанинг** меҳнатдан чарчамайдиган руҳи устознинг бутун ҳаёти давомида унга “маънавий қўл” бўлиб келган.

Ҳадисларда келадиган маънодор ҳикмат бор: **“Жаннат оналар оёғи остидадир”**. Бу ибора она ҳаққи ва меҳрининг бекиёслигини англатади. Устоз ҳаётида ота-онага эҳтиром, дуони кадрлаш, ҳаққонийлик ва адолатга содиқлик амалий меъёрга айланган.

Агар инсон умри китоб бўлса, унинг муковаси – ота-она дуосидир; агар инсон йўли дарё бўлса, унинг манбаи – она алласидир. Ота меҳнати сукутда тарбиялайди, она дуоси эса кўринмас қўллаб-қувват бўлиб туради. Шунинг учун ҳам халқ **“Ота-она рози – Худо рози”** деб таъкидлайди.

Ҳар бир буюк эркак ортида унинг оқила аёли туради. Сайпулла ака учун уни бир умр қўллаб-қувватлаб келаётган **ҳаёт ҳамроҳи, ишончли суянчиги, оила**

бахтининг асосчиси Салимахон опадир. Салимахон опа эрининг муваффақиятлари учун **кўринмас қанот бўлди**, доно аёл сифатида эрига куч-қувват берди, уни қўллаб-қувватлади. У зот хонадон фариштаси, уй зийнати вазифаларини бекаму кўст бажарди. Таъбир жоиз бўлса, эри ва оиласи учун эпчил уй бекаси сифатида **“қор қалаб, қозон қайнатди”**. У ҳар доим эрига таянч бўлди, унга куч ва ишонч бағишлади. У эрининг орзуларига ва мақсадларига ҳалал бермади, аксинча, уларни рўёбга чиқариш учун йўл кўрсатди. У ўзининг доно маслаҳатлари билан эрига тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради. У эрини яхшиликка ундади, унинг салоҳиятини оширишга қўмаклашди.

У устоз ҳаётида меҳр ва сабрнинг мустаҳкам таянчига айланди. Илмий изланиш, таҳрир, сафарлар, жамоатчилик масъулиятлари орасида инсонга энг керакли нарса – уйдаги хотиржамлик. Салимахон опа ана шу хотиржамликни асраб, устознинг меҳнати учун барқарор муҳит яратиб турди.

Оиладаги ҳурмат ва вафо инсон камолининг мезони эканини англатади. **Салимахон опанинг** сабри – фақат бир инсонга эмас, бутун хонадон баракасига хизмат қилган сабрдир: уйда саранжом, кўнгилда хотиржамлик, фарзандларда тарбия, устозда эса илҳом сақланишига сабаб бўлди.

Илм – қалбга тушган муҳаббат, оиладаги руҳлантирувчи куч эса унинг парвозига мадад бўлади. Рафиқасининг сабри олим қаламига қувват берди, меҳр асралган уй эса илм битиладиган китобнинг биринчи саҳифаси айланди.

Устознинг **3 нафар ўғли** ва **2 нафар қизи** бор. Фарзанд – ота учун шодлик билан бирга катта масъулият ҳамдир. Сайпулла Нарзуллаевич фарзандларига вақт кадри, меҳнат интизоми, ишни қайта текшириб ишонч ҳосил қилиш, ҳаққонийлик ва одоб каби тамойилларни сўз билан эмас, ҳаёт тарзи билан ўргатди.

Фарзанд тарбиясидаги энг таъсирли усул – шахсий намуна. Устоз учун ҳам “ўқитдим” деган сўздан кўра “кўрсатдим” деган ҳолат устувор: ҳар бир ишга масъулият, ҳар бир

одамга хурмат, ҳар бир сўзга вафо. Шу фазилатлар оила муҳитида “одат”га айлангани сабаб, фарзандлар қалбида ҳам инсонпарварлик ва билимга эҳтиром табиий тарзда шаклланди.

Профессор С.Н.Турсуновнинг **16 нафар невараси** бор. Неваралар – хонадон баракасининг ёрқин белгиси: уларнинг кулгиси уйга нур, қалбга шукрона олиб киради. Халқ ҳикмати айтганидек, барака – кўпликда эмас, меҳрда. Меҳр бор жойда эса ҳаёт ҳам баракали бўлади.

Неваралар – ўтмиш билан келажакни боғлайдиган тилсим. Кечаги меҳнат ва сабр, бугунги шукрона ва тарбия, эртанги умид ва давом – барчаси неваралар шодлигида гўё бир жойга жам бўлади. Шу маънода, неваралар кулгиси устоз учун руҳий қувват ва умрга янги баҳор олиб кирди.

Сайпулла Нарзуллаевичнинг ҳақиқий ютуқларидан бири – **шогирдлар камолоти**. Шогирдлар – устозлик меросининг давоми. У киши шогирдларга талабчан, бироқ меҳрибон: манба билан ишлаш, фикрни далил билан мустаҳкамлаш, ҳар бир жумлани қайта текшириш ва сўзга масъулият билан ёндашиш маданиятини амалий равишда ўргатиб келади.

Шогирдларга муносабатда устознинг ўз ҳаётий шиори бор: **“илм ирода билан, ирода тарбия билан мустаҳкамланади”**. Шу боис, у киши шогирдларга фақат билим эмас, балки ишонч, масъулият ва ўз устида ишлаш одатини ҳам бериб келмоқда. **“Устоз кўрсатган йўл – фақат илм йўли эмас, инсон бўлиш йўли”** деган ҳикмат Сайпулла Нарзуллаевичдек устозларга тааллуқлидир.

Профессор Сайпулла Нарзуллаевич Турсуновнинг ҳаёт йўли – таълимда

масъулият, маънавиятда принципиаллик ва инсонпарварлик намунасидир. У кишининг ютуқлари **Нарзулла ота** ва **Норбиби** она дуоси, **Салимахон опанинг** сабр-тоқати, **3 ўғил, 2 қиз ва 16 неvara** меҳри билан барқарорлашган оилавий муҳитда янада баракали бўлган. Оила – устоз учун таянч, руҳ учун паноҳ, меҳнат учун барака бўлиб келди ва шу йўсинда давом этмоқда.

Сайпулла Нарзуллаевичнинг 70 йиллик ҳаёти ва фаолиятига тўлиқ назар солсангиз, унинг **мурувватли** ва **футувватли** инсон эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Башарият даҳоларидан бири Алишер Навоий ҳазратлари айтган экан: **“Мурувват барча бермакдур, емак йўқ, Футувват барча қилмоқдир, демак йўқ”**, яъни мурувватли инсон борини бировларга беради, ўзи емайди, жўмард, олижаноб, энг футувватли одам эса, кўп савобли ишлар қилади, лекин қилган иши ҳақида ҳеч кимга бир оғиз ҳам гапирмайди.

Бундай хислатларга эга бўлган, ҳар томонлама комил инсон Сайпулла ака, шубҳасиз, даҳолар каби абадиятга дахлдордир.

Юбилей муносабати билан Термиз давлат университети тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси мудир, тарих фанлари доктори, профессор, Турон ФА академиги **Сайпулла Нарзуллаевич Турсуновга** мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва меҳнат фаолиятида янада юксак муваффақиятлар тилаймиз. Илмий-иждоий изланишларингиз бардавом бўлиб, шогирдлар камолоти ва юрт равнақи йўлидаги самарали хизматларингиз бундан буён ҳам изчил давом этишини тилаб қоламиз.